(Қўлёзмадан кўчирма)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

## «Маркетинг» кафедраси

Ҳимояга руҳсат этилди
факультет декани
_________________
«___»________2013 йил

**«Маркетинг» таълим йўналиши бўйича битирувчи**

**Набижанов Давроннинг**

**«Фермер хўжаликлари маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш»**

**мавзусидаги**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи: Набижанов Даврон

Илмий раҳбар: и.ф..д., проф. А.Солиев

Кафедра мудири: и.ф.н., доц. Ғ.Мадияров

Наманган - 2013 й.

## Мундарижа

**Кириш**

**I.боб. Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини ўрни ва аҳамияти.**

1.1. Фермер хўжаликларининг маркетинг фаолияти моҳияти ва унинг назарий асослари.

1.2. Фермер ҳўжаликларини ташкил этишнинг хуқуқий асослари.

1.3. Балиқчи тумани иқтисодиёти ва унда фермер хўжаликларини ўрни.

**II.боб. Балиқчи тумани фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари ва бозор фаолияти таҳлили.**

2.1. Балиқчи туманида ғалла-пахтага ихтисослашган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили.

2.2. Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятлари.

2.3. Фермер ҳўжаликлари маҳсулотларини сотиш жараёнлари.

**III.боб. Фермер хўжаликлари маркетинг фаолиятини ривожлантириш йўллари.**

3.1. Фермер хўжаликларини минерал ўғит, ёнилғи ва техника сотиб олиш бўйича шартномавий муносабатларини ривожлантириш

3.2.Фермер хўжаликларини ғалл-пахта, боғдорчилик маҳсулотларини сотиш бўйича шартномавий муносабатларини ривожлантириш.

3.3.Фермер хўжаликлари маркетинг фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари.

**Хулоса ва таклифлар**

**Фойдаланилган адабиётлар**

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳалар каби қишлоқ хўжалигида хам иктисодий ислохатларни амалга ошириш бош вазифа этиб белгиланди. Бугунги кунда қишлоқда тадбиркорлик фаолиятининг энг самарали кўринишлари ҳисобланган фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш давлат сиёсатини асосини ташкил этади.

Фермер хўжалиги - ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалигини юритувчи, ягона бошқариш ва аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозирги вақтда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кун сайин мустаҳкамланиб, ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракати Ўзбекистонда ўзини тўла оқлади ва бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

2012 йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди.

Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди[1], деб Президентимиз И.А.Каримов таъкидладилар.

Мамлакатимизда, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

шарт-шароитларни туғдириб бериш бундай юксак натижаларни қўлга киритишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозирги вақтда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда[2].

Мана бу мақсадларга эришиш учун жамият ва шахс манфаатларини йўналтиришнинг иқтисодий манбалари аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг ўз меҳнат натижаларини тенг айирбошлашларига асосланиши шарт.

Шунинг учун ҳам, фермер хўжаликлари маркетинг фаолиятини ривожантириш ва уни татбиқ қилиш масалалари долзарб ҳисобланади.

**<u>Ишнинг мақсади ва вазифалари.</u>** Тадқиқот ишининг асосий мақсади иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида Балиқчи тумани фермер ҳўжаликлари бозор фаолиятини ўрганиш ва уларни маркетинг стратегиялари асосида самарадорлигини оишириш имконини берадиган илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга мувофиқ тадқиқот ишининг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

-қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини ўрни ва аҳамиятини ёритиш;

- фермер хўжаликларининг маркетинг фаолияти моҳияти ва унинг назарий асосларини ўрганиш;

- фермер ҳўжаликларини ташкил этишнинг хуқуқий асосларини ёритиш;

- Балиқчи тумани иқтисодиёти ва унда фермер хўжаликларини ўрнини ўрганиш;

-Балиқчи тумани фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари ва бозор фаолиятини таҳлил қилиш;

-Балиқчи туманида ғалла-пахтага ихтисослашган фермер хўжаликларини таҳлил қилиш;

-боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ўрганиш;

-фермер ҳўжаликлари маҳсулотларини сотиш жараёнларини ўрганиш;

- фермер хўжаликлари маркетинг фаолиятини ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

-фермер хўжаликларини минерал ўғит, ёнилғи ва техника сотиб олиш бўйича шартномавий муносабатларини ривожлантириш;

---

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

-фермер хўжаликларини ғалл-пахта, боғдорчилик маҳсулотларини сотиш бўйича шартномавий муносабатларини ривожлантириш;

-фермер хўжаликлари маркетинг фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари.

**Тадқиқот объекти** сифатида Балиқчи тумани фермер хўжаликлари ва уларнинг маркетинг фаолиятини ташкил этиш жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Балиқчи тумани фермер хўжаликлари маркетинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ иқтисодий – ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари.** Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари, асосан, бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонун ва қонуниятлари ҳамда Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ ҳўжалиги корхоналари фаолиятини такшил этиш, ривожлантириш ва қўллаб-қквватлаш ҳамда улар фаолиятини бошқариш билан боғлиқ қарорлар, ушбу соҳа бўйича йирик олимларнинг назарий ишларига асосланади. Тадқиқотда ижтимоий-иқтисодий ва статистик фанлар методологияси ва услубларидан кенг фойдаланилади. Шунингдек, тадқиқотни олиб боришда система структурали таҳлил, экспериментал баҳолаш, таққослаш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, картографик, гурухий типларга ажратиш, баланслаш каби методлардан фойдаланилди. Тадқиқотнинг манбаси Наманган вилояти фермер хўжаликлари фаолияти ва маълумотлари, шунингдек марказлашган ҳолда чоп этилган турли хил статистик маълумотномалар, сўров материаллари ва адабиётлардан иборат.

**Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти** шундан иборат бўладики, битирув малакавий ишида ишлаб чиқилган ғоя ва таклифлар қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва маркетинг фаолияти соҳасини ривожланиши, уни ташкил этиш ва ривожланиши механизмини амалда қўллаш ва такомиллаштириш, унинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш асосида қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида замонавий тамойиллардан фойдаланиш имконияти туғилади.

Тадқиқотни бажариш вақтида олинган натижалар, ўрганилган масалалар, таклиф этилган асосий йўналишларни қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият юргизаётган иқтисодий субъектларда қўллаш мумкин. Битирув малакавий ишидан олинган назарий ва амалий мулоҳазалар қишлоқ ҳўжалиги корхоналари маркетинг механизмини бошқаришда, илмий-тадқиқот ишларида, олий таълим муассасаларида фойдаланилади.

**Бититув малакавий ишининг тузилиши.** Битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.Битиув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси очиб берилган. Мавзунинг биринчи бобида назарий ва услубий масалалар ёритилган, иккинчи бобида эса тадқиқотда мавзунинг ривожланиш даражаси, холати ва йўналишлари ёритиб берилган. Учинчи бобда мавзудаги масалаларнинг келажакдаги вазифалари, башоратлари келтириб ўтилган.

# I.боб. Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг ўрни ва аҳамияти

## 1.1. Фермер хўжаликларининг маркетинг фаолияти моҳияти ва унинг назарий асослари.

Фермер хўжаликлари барқарор ва самарали фаолият кўрсатишида ишлаб чиқариш-сотув фаолиятини ташкил қилиш бўйича ҳаракатлар йиғиндичи сифатида маркетинг муҳим роль ўйнайди.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар хўжалик фаолиятининг тактикаси ва стратегияси бозор конунларига мувофиқ холда шундай ишлаб чиқариш ва сотиш сиёсатига йўналтирилган бўлиши керакки, ушбу йўналиш ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни тўлиқ қондиришга, айланма маблағларни айланишини тезлаштиришга, рақобатбардошликни оширишга имкон бериши керак.

Мазкур жараёнда маркетинг - истеъмолчилар муаммоларини англаш ва бозор фаолиятини тартибга солишнинг тартибга солинган ва мақсадга йўналтирилган жараён ҳисобланади. Турли хил мулк шаклидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш сотиш фаолияти маркетинг режаси билан ўзаро якиндан боғланган бўлиши керак. Шунинг учун, хорижий тажриба кўрсатишича, кўпгина кичик ва ўрта корхоналарда сотиш бўйича бошқарувчи амалда маркетинг бўйича бошқарувчи бўлади. Бундай ташкилий тузилма энг мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бу ҳолда сотиш фаолиятининг маркетинг ва корхонанинг бошқа хўжалик хизматлари билан ўзаро чуқур интеграциялашуви ва яқиндан жипслашиб кетиши содир бўлади.

Мамлакатимизда мулкчиликни турли шаклларини вужудга келиши ва унда хусусий соҳа асосий ўринни эгаллаши, иқтисодиётни бошқаришни демократик тамойилларини қўлланиши марказлашган режалаштириш ва таъминот тизимини барбод бўлиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очиб берилиши, инновация жараёнлари товарлар, хизматлар-сервис ва ахборотлар бозорларини жахондаги илғор тажрибалар ва стандарт (меъёр)лар асосида ташкил этилиши, ўз навбатида тадбиркор, бизнесмен ва менеджерлар тўла эркинлик асосида фаолият юритишларига замин тайёрлади[3].

Маркетинг инсон фаолиятининг ўзига хос бир тури сифатида натурал хўжаликдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш билан, маҳсулотни рақобат шароитларида сотиш бўйича мос келувчи чоралар кўриш зарурати билан аллақачонлар пайдо бўлган.

Бозор иқтисодиётининг фаолият кўрсатишини маркетингсиз тасаввур қилиб ҳам бўлмайди, чунки ишлаб чиқариш ҳажми ва кўламини доимий ошириш шароитларида эҳтиёжлар ўсиши ва рақобат кучайиши билан товар ва хизматларни сотиш тобора мураккаблашади ва қийинлашади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини якунлашни амалга ошириш ва режадаги даромадларни олиш учун бозор ҳолатини, унинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талабини ва маҳсулотни маъқул келадиган нархларда сотиш имкониятларини чуқур ўрганиш зарур.

Бозор конъюнктурасини ўрганиш объектив заруратга, жамият иқтисодий ҳаётининг ажралмас бир қисмига, такрор ишлаб чиқариш жараёни барча бўғинларининг самарали фаолият кўрсатиш шартига айланди. Маркетинг товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилардан бошлаб уларнинг истеъмолчиларигача, жумладан, улар ўртасидаги оралиқ бўғинлардаги барча хўжалик субъектларининг муҳим иқтисодий фаолият соҳасига айланмоқда.

Маркетинг инсон фаолиятининг ўзига хос бир тури сифатида иқтисодий муносабатлар ва ишлаб чиқариш кучлари такомиллашган сари ривожланиб бораверади. Ҳозирги пайтда у (маркетинг) маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиш ва эҳтиёжларга мувофиқ инсоннинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича амалий фаолияти ва фаннинг ўзига хос бир соҳаси сифатида, шунингдек, бозор ҳолатини қуйи мажмуали

---

[3] А.Солиев Маркетинг . Дарслик. Тошкент 2010. 6 бет

таҳлил қилишга асосланган ишлаб чиқариш-сотув фаолиятини бошқариш тизими сифатида ҳам кўриб чиқилади.

Ўзига хос бир фан соҳаси сифатида маркетинг бозор ҳолатини, талаб ва таклиф ҳаракатини, уларнинг мувозанатини таъминлаш йўллари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини қондириш усулларини ўрганиш билан шуғулланади.

Иқтисодчиларнинг кўпчилиги маркетингни кўп сонли ва хилма-хил ичтеъмол товарлари ва хизматлари, ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, молия, кредит, валюта ресурслари, билимлар, илмий ишланмалар ва ҳоказолар бозорларини қониқтириш бўйича ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида кўриб чиқадилар.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш умумий тизимининг таркибий қисми сифатида маркетинг инсонлар эҳтиёжлари ва сўровларини ҳисобга олган ҳолда товар ва хизматлар айирбошлашни амалга ошириш мақсадида бозорларни бошқариш билан шуғулланади. Маркетингнинг асосий мазмуни талабни бошқариш ва унга (талабга) мувофиқ ишлаб чиқаришга ёрдам кўрсатиш, бозорни керакли товар ва хизматлар билан түйинтиришдан иборат.

Маркетинг махсус фан соҳасида бозор ҳолатини, унинг истеъмолчилар талабини қондириш қобилияти, талаб ва истеъмол ўртасидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш имкониятини таҳлил қилади, товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларига таъсир ва тартибга солишнинг муайян усуллари ва воситалари ёрдамида уларни бартараф қилиш, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари тўлов лаёқати, мавсумийлик ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда вақт бўйича тақсимлашга доир тавсиялар беради. Бунда таҳлил бозорнинг ўтмишдаги ва ҳозирги аҳволини ўрганиш билангина чекланиб қолмаслиги лозим. Таҳлил асосида маркетинг бозорнинг кейинги ривожланишини, унда талаб ва таклифнинг ўзгариш вариантларини прогноз қилиши ҳамда қарор қабул қилиш учун муайян таклифларни ифодалаши ва тақдим этиши лозим.

Маркетингнинг энг муҳим вазифаси мавжуд ва потенциал мижозларни, уларнинг хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларини товар ва хизматлар сифати, сони, ассортименти, мижозлар учун маъқул келадиган нархи, етказиб бериш, сотиш ва ҳисоб-китоб шартлари бўйича ҳар томонлама ўрганиш, уларга мувофиқ мижозларни ва потенциал харидорларни мустаҳкамлаш бўйича муайян чоралар кўришдан иборат.

Маркетинг (инглизча market-бозор) – тадбиркор муҳитини, бозорни, истеъмолчининг аниқ талабини ва улар учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни кўзда тутишни ўрганишга асосланган, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бозор концепциясидир. **Агромаркетингининг мақсади** - талабни шакллантириш ва рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси ишнинг режалари ва қабул қилинадиган боўқарув қарорларининг асослилигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг савдо кўлами, бозор ҳиссаси ва фойдасини кўпайтиришдан иборат. Сотиладиган, яъни бозори чаққон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш – қишлоқ хўжалиги фермери фаолиятига маркетинг нуқтаи назаридан ёндашишининг асосий нишонидир.

Демак юқоридаги мулоҳазалар, корхона (фирма) жорий ва стратегик фаолиятини истеъмолчилар эҳтиёжи ва талабини қондиришга, кўзланган фойдани олишга йўналтирилган узлуксиз ташкилий, режалаштириш ва бошқариш жараёнини - маркетинг фаолияти деб қарашни тақозо этмоқда.[4]

Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан олдин, қўлга киритилган маълумотларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўлиқ ишлаб чиқариш ва мукаммаллаштириш ва шундан кейингина шу товар билан бозорга чиқиш, қишлоқ хўжалиги фермери конкрет истеъмолчилари талабларини пухта ўрганишни тартибга солиш керак. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, кейин уни сотиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларга дуч келмаслик лозим.

---

[4] А.Солиев Маркетинг . Дарслик. Тошкент 2010.

Агромаркетинг учун қуйдаги асосий ҳолатлар ёки тамойиллар мосдир:




1-расм. Агромаркетингни асоссий тамойил ва ҳолатлари.

Қишлоқ хўжалиги фермерининг истеъмолчилар талабларига йўналтириши кўп тажриба талаб қиладиган илмий – амалий, тадқиқот ва аналитик ишни, бозор эхтиёжини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, бозор муҳити ва истеъмолчининг мотивациясини ўрганишни назарда тутади. Анализ учун бозор ҳажми, нархни ташкил этиш тизими, нарх суръати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг истеъмол хусусияти, ҳамкор қишлоқ хўжалиги фермерлари ишининг қурилиши ва услублари спецификаси, сотишни ташкил этиш каналлари, сотишни рағбатлантириш усуллари, савдо ишининг ўзига мослиги ва бошқалар керак бўлади.

Айни вақтда, барча бошқарув жараёнларига хос бўлган бу асосий функциялар маркетинг фаолияти учун махсус бўлган функциялар билан конкретлаштирилган ва тўлдирилган бўлиши мумкин.

-жадвал

Агромаркетингнинг асосий функциялари

| № | Функциялар |
|---|---|
| 1. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори, бозор муҳити ваистеъмолчилар талабларини комплекс тарзда тадқиқ қилиш |
| 2. | Бозорни сегментлаш |
| 3. | Қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат хўжалигининг ишлаб чиқариш – сотишни ташкил этиш имкониятлари таҳлили |
| 4. | Мақсадли бозор танлови |
| 5. | Товар сиёсати |
| 6. | Нарх сиёсати |
| 7 | Сотиш(тарқатиш) сиёсати |
| 8. | Коммуникацион сиёсат (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш)лар |

Шундай қилиб, маркетинг ечиши лозим бўлган вазифалар доираси жуда кенг ва шу сабабли улар бошқарув тизимининг турли поғоналарида ва бозорларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиладиган махсус органлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Маиший техника бозорида талаб ва таклифни бошқариш, масалан, битта иш, озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини бошқариш эса, умуман бошқа, уларнинг ҳар бири яна, деталли равишда тақсимланиши мумкин. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари бозори нон маҳсулотлари, гўшт маҳсулотлари, мева-сабзавот бозори ва ҳ.к. турларга тақсимланиши мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз истеъмолчи-харидорларига ва ишлаб чиқарувчи-сотувчиларига эга бўлиб, бозор муносабатларини ташкил қилиш ва рекламанинг ўзига хос усулларидан фойдаланади.

Республика озиқ-овқат маҳсулотлари бозори маркетинги мамлакат аҳолисини ўз ишлаб чиқариши ҳисобига ҳам, чет элдан келтириш ҳисобига ҳам бу борадаги таъминотни йўқга қўйишдек глобал муаммони ҳал этмоқда. Бу борада янада юқорироқ натижага эришиш учун маркетинг кўп сонли барча ишлаб чиқариш (нон маҳсулотлари, гўшт маҳсулотлари ва бошқалар) бозорларини, биринчи навбатда, уларга талабни ва бу талабни қондириш манбаларини, эҳтиёжларнинг шаклланиши ва ассортимент кесимида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўз қуйи мажмуасини шакллантиришга таъсир этувчи асосий омилларни, ички ва жаҳон нархлари нисбати ва бошқаларни ўрганиши лозим.

Агар гап озиқ-овқат маҳсулотларининг муайян тури бозори ҳақида борадиган бўлса, маркетинг ҳал этиши лозим бўлган масалалар бироз бошқача характерга эга бўлади. Улар биринчидан, миқёси бўйича, иккинчидан, усуллари бўйича, учинчидан маҳсулдорлиги бўйича, тўртинчидан, бу борадаги масалаларни ҳал қилишнинг муайян воситалари бўйича фарқланади.

Ҳар қандай бозорнинг бош фигураси бўлган харидорлар бир-биридан турли кўрсаткичлар, хусусан, ўз эҳтиёжлари, молиявий имкониятлари, харидорлик одатлари, жойлашуви, миллати бўйича фарқ қилади. Айрим харидорлар нархи қиммат бўлишига қарамай, юқори сифатли маҳсулотни афзал кўради, бошқалар эса, сифати пастроқ бўлса ҳам, арзон маҳсулотни танлайди. Шунингдек, кўп сонли харидорлар бошқа белгилар бўйича ҳам фарқланади. Масалан, шаҳар аҳолисининг истеъмол талаби қишлоқ аҳолисининг истеъмол талабидан, ўзбекларнинг истеъмол талаби рус миллати вакилларининг истеъмол талабидан фарқ қилади ва ҳ.к. Таълим соҳаси ходимларининг харидорлик одатлари бошқа касб вакилларииникидан бироз бошқача.

Маркетинг вазифалари қаторига реал истеъмолчи-харидорларнинг шу ва бошқа барча хилма-хил белги ва омилларини ўрганиш киради. Фақат шундай маркетинг самарали бўлади ва унинг фаолият кўрсатишидан олдига қўйилган мақсадларга эришишни кутса бўлади.

Шу сабабли оммавий маркетинг билан бир қаторда товар ва хизматлар таклифини шакллантиришда истеъмолчи-харидорларнинг якка тартибдаги ва гуруҳ манфаатларини тўлароқ ҳисобга оладиган «сегментланган» маркетинг ҳам зарур бўлади.

Оммавий маркетинг барча истеъмолчи-харидорларни якка тартибда ва гуруҳ белгилари бўйича ажратмаган ҳолда умумий массив сифатида кўриб чиқади. Бунда муайян маҳсулот турини оммавий ишлаб чиқариш, уни оммавий тақсимлаш, бир хил усуллар билан сотишни оммавий рағбатлантириш характерли бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг муҳимлиги у аҳолининг қимматли дармондорили озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжларини қондиришидан ташқари, қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишдаги роли билан ҳам белгиланади.

Қишлоқ аҳолисининг меҳнат билан бандлик ва турмуш даражаси кўп жиҳатдан мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари қуйи мажмуи фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ, Даромадларининг катта қисми эса мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобига шаклланади.

Бироқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида маркетинг қониқарсиз ташкил қилинганлиги сабабли кўплаб ишлаб чиқарувчилар, айниқса, якка тартибдаги кичик тадбиркорлар етиштирилган маҳсулотнинг катта йўқотишларига учрайди, мева, узум ва

сабзавотларнинг рақобатбардош турларини барқарор ишлаб чиқариш ва уларни нормал, эквивалент нархларда сотишни йўлга қўя олмайди.

Қишлоқ хўжалиги агро соҳа маҳсулотлари бозорининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда унинг маркетингини оқилона ташкил қилиш мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини самарали ишлаб чиқариш, сотиш ва бу борадаги эҳтиёжларни қондириш омилларидан бири саналади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида маркетинг амалий фаолиятини иккита асосий соҳага ажратиш мумкин: а) маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига томон ҳаракатлантириш бўйича фаолият; б) бозор шароитларида иқтисодий муносабатларнинг энг самарали фаолиятини таъминлайдиган илмий-тижорат фаолияти.

Айниқса, ҳозирги пайтда боғдорчилик ва узумчиликда вужудга келган маркетинг фаолияти етарли эмаслиги яққол кўриниб турибди. Унинг асосий камчилиги бозор конъюнктураси ва унинг турли омиллар таъсири остида ўзгариш истиқболлари чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ қилинмаётганида намоён бўлади. Маркетинг фаолияти уюшмаган ва бир-биридан ажралган ҳолда амалга оширилади. Бундай ҳолат маълум маънода бозор муносабатлари шароитларида «тижорат сирлари»нинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, бунда ҳар бир мулк эгаси рақобатчилардан муайян маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича потенциал имкониятларини яширшига ҳаракат қилади.

Кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш учун фикримизча, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида АСМ асосий тармоқ ва йўналишлари, жумладан, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари қуйи мажмуаси бўйича маркетинг тадқиқотлари ва бозор конъюнктурасини прогноз қилиш республика марказини ташкил қилиш каби масалалар қўйилмоқда.

Бу марказга аграр маркетингни ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш бўйича, маркетинг ахборот оқимларини мувофиқлаштириш бўйича функциялар, маркетинг лойиҳалари ва илмий-техник ва инновацион дастурлар давлат буюртмачиси функциялари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари товар ҳаракати ва уларнинг сифатини сақлаш соҳасидаги илмий-техник ютуқларни тарғиб этиш, маркетинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган семинар ва кўргазмалар қилиш этиш функциялари юклатилиши лозим деган мулоҳаза қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўп сонли ва юридик мустақил ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари бу тавсияларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, у ёки бу масала бўйича якуний қарор қабул қилишда мос келувчи тузатишлар киритиш ҳуқуқига эга.

Шу сабабли маркетинг хизматини минтақавий ва маҳаллий даражада манфаатдор шахслардан, масалан, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларидан маркетинг хизматлари кўрсатиш буюртмаларини бажарувчи мустақил марказ сифатида ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

## 1.2.Фермер хўжаликларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектларининг энг кўп тарқалган тури бу фермер хўжаликларидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 15 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 215(3490)-сонли Фармонини чиқиши фермерлик фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлаб қўйилди. Ушбу Фармон билан фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг ҳуқуқий асослари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилиб, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатлари тартибга солинди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг асосий қисмини ташкил этувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда имтиёзлар бериш юзасидан бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалигида ҳозирги вақтда амалда бўлган мулк муносабатларига кўра, корхоналарнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- давлат корхоналари;
- жамоа корхоналари;
- ширкат корхоналари;
- фермер хўжаликлари;
- деҳқон хўжаликлари;
- ижара корхоналари;
- акционерлик корхоналари;
- қўшма корхоналар.

**Фермер хўжалиги** - ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалигини юритувчи, ягона бошқариш ва аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Чорвачилик маҳсулотини етиштиришга ихтисослашгаи фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Бир шартли мол бош ҳисобига Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектар, +орақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги суғориладигаи ерларда 0,45 гектар, суғорилмайдиган ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади. Пахтачилик ва деҳқончилик учун камида 10 гектар ер боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар учун 1 гектарни ташкил этади[5].

Фермер хўжалиги аъзолари жумласига фермер хўжалигини биргаликда юритаётган, бу хўжалик асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, ота-онаси, бошқа қариндошлари киради.

Фермер хўжалиги меҳнат шартномаси асосида бошқа шахсларни ишга ёллаши мумкин. Ёлланганлар фермер хўжалигининг аъзолари ҳисобланишмайди. Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича тегишли малака, мутахассислик, иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли аъзоларидан танланади. Фермер хўжалиги бошлиғи вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганда ёки узоқ вақт бўлмаганда у ўз вазифасини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига беради. Фермер хўжалиги ихтиёрий равишда хўжалик бошлиғининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ва туман ҳокимига ёзма мурожати (ариза) асосида ташкил этилади.

Ариза билан бирга сўралаётган ер участкасининг жойлашуви, майдони, фермер хўжалигининг таркиби, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бизнес-режаси тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжалиги бошқаруви фермер хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги масалани умумий йиғилиш муҳокамасига киритади, йиғилиш бу хусусида тегишли қарор қабул қилади. Туман хокимлиги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжалиги чиқарган фермер хўжалигининг ташкил қилиш тўғрисидаги қарорини туман комиссиясида кўриб чиқиб ўз хулосасини чиқаради. Фермер хўжалиги ер участкасини ижарага олиб шартномасини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб фермер хўжалиги деб ҳисобланилади ва устав асосида фаолият кўрсатади. Мулкий пай бу хўжалик аъзосининг яратилган умумий мулкдаги ўзининг улушига мос келадиган пул шаклидаги ҳиссасидир.

---

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Халқ сўзи, 2004 йил 15 октябрь, 215(3490)-сон.

Фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомини олади, банкда ҳисоб-китоб рақамига, номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи(ширкат хўжалиги)нинг бу хўжалик таркибидан чиқиш ва мустақил фермер хўжалигини юритиш истагида бўлган аъзолари ширкат уставига биноан ўзларига тегишли мулкий пай қийматини ҳамда даромад(фойда)дан меҳнат иштироки инобатга олинган ҳолда аниқланадиган улушини олишга ҳақли.

Фермер хўжалиги юридик шахснинг барча ҳуқуқларига, чунончи, бошқа шаклдаги корхоналар, тадбиркорлик фаолияти олиб борувчилар билан тенг ҳуқуққа эга. Фермер хўжалиги ўз фаолиятини ўзи белгилаган мақсадга асосан олиб боради, фаолияти натижасини ўзи тасарруф этади, етиштирган маҳсулотига ўзи мустақил равишда нарх белгилайди: маҳсулот сотиш, моддий таъминот бўйича турли корхона ва ташкилотлар билан мустақил ҳолда шартнома тузади, қонунда белгиланган мажбуриятларини бажаради.

Фермер хўжалигининг иқтисодий асоси - хусусий мулк - фермер хўжалиги аъзоларининг мулки ҳисобланади. Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича ҳар хил даъволарга ўз мол-мулки билан жавоб беради, кичик ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланади.

Фермер хўжалигини қайта  ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юқоридаги хужжатларда белгиланганидек, фермер хўжалиги хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечса, ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаганда, ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, хўжалик банкрот деб эълон қилинганда ҳамда шартнома шартлари доимий бузилганда, хўжаликни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари сурункали бузилганда тугатилади.

Фермер хўжалиги тугатилганда унинг аъзолари ўз мулкидаги мол-мулкка ҳамда томорқа ер участкасига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

**Деҳқон хўжалиги -** оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдирилган, умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириб, реализация қилувчи кичик корхонадир.

Деҳқонни мулкдор қилишнинг энг адолатли ва қулай, бозор иқтисодиётига мувофиқ келувчи шакли хўжалик мулкидаги хиссасини белгилаб берувчи пайдир. Пай шундай қимматбаҳо қоғозки, у **биринчидан** жамоа хўжалигининг фонди ҳаммасини эмас, балки бир қисмини бўлинмас фонд деб аталган, хўжаликни ривожлаитиришга йўналтириладиган қисмини чегирилгандан қолгани, **иккинчидан** бошқа қимматбаҳо қоғозлар сингари фонд биржаларида сотилмайди, алмаштирилмайди ва бошқа шахсга берилмайди. **Учинчидан** ундан қанчалик кўп даромад келиши бошқа акция коғозларидан тубдан фарқ қилиб мулк эгасини меҳнати ташаббуси тадбиркорлигига боғлиқдир. **Тўртинчидан** пай ёпиқ турдаги акционерлик жамиятининг ифодасидир. **Бешинчидан** пай жамоа хўжалигига, унинг молиявий  фондларига қанчалик хисса тушганлигига мувофиқ тарзда тақсимланади. Гуё бепул берилаётгандек кўринсада у хўжалик аъзосининг илгариги меҳнатлари учун берилган мулкдир.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради, у аъзоларининг истагига кўра, юридик шахс мақомига эга бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида фермерларни рағбатлантириш юзасидан ҳам бир қанча идоравий меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, апрелда давлат рўйхати “Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга

олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 августдаги "Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида"ги Низомда мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа субъектлари — юридик шахсларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби белгилаб берилди. "Пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига пахтани қайта ишлаш натижасида олинадиган чигитдан чиқадиган пахта шелухаси ва кунжарасидан уларга тегишли бўлган миқдорни қайтариш тўғрисида"ги Низом фермерлар учун катта имконият ва рағбат бўлди. Ушбу Низомга мувофиқ пахта етиштирувчи хўжаликлар томонидан амалда сотилган пахта хом ашёсидан (уруғлик пахтадан ташқари) ишлаб чиқариладиган техник чигитдан чиқадиган шелуха ва кунжаранинг 70 фоизи улар ихтиёрида қолиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 29 январь куни Вазирлар Маҳкамасида 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш ишларини давом эттириш зарурлиги тўғрисида таъкидлаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 мартдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш якунлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига фермер хўжаликлари қонуний манфаатларининг ҳуқуқий жиҳатдан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишга уринишларга қатъий барҳам бериш вазифаси юклатилганлиги адлия органларининг бу борадаги фаолиятини янада кучайтирди.

Бу борада адлия органлари ҳам мамлакат раҳбарияти томонидан юклатилган вазифаларга мувофиқ, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фермерликни ривожлантиришда ҳамда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, адлия органлари томонидан 2010 йил 1 ярим йиллик давомида фермер хўжаликлари билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида 388 минг 249 та шартномаларнинг қонунийлиги ўрганилди. ўрганишлар давомида шартномалар тузилиши бўйича жами 37 минг 863 та камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этишнинг зарур чоралари кўрилди.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳаракатини ривожлантириш борасида Республикамизда 1991 йил 29 декабрда биринчи маротаба Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва Республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ва ушбу Фармонга мувофиқ 1991 йил 30 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг №315-сонли "Республикада фермер хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоралари ҳақида"ги қарори қабул қилинди.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунга асосан, фермер хўжаликлари қуйидаги тартибда ташкил этилади.




-расм. Фермер хўжаликларини ташкил этиш.

Яъни, фермер хўжалигини юритиш истагини билдирган фуқоролар биринчи навбатда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 10-бандида белгилаб берилган тартибда узоқ муддатли ижарага ер участкаси ажратишни сўраб кооперативи (ширкат) хўжалиги бошқаруви номига ариза берадилар. Бунда аризаларни бериш ва кўриб чиқиш қишлоқ хўжалиги экинларини йиғиб олиш тугаган вақтга тўғри келиши мақсадга мувофиқдир.

Ариза ширкат хажалии бошқарув томонидан ўн кун муддатда кўриб чиқилиб, хўжаликнинг умумий мажлисига тақдим этилади. Умумий мажлис тежишли қарор қабул қилади.Фуқоранинг аризаси ва умумий мажлис қарори фермер хўжаликнинг бизнес-режаси билан биргаликта тума н хокимига юборади . Ушбу хужаттлар туман хокими томонидан беш кун муддатда ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман коммисиясига хулоса бериш учун топширилади.

Туман ўн беш кун муддатда тақдим қилинган хужжатларни кўриб чиқиб фермер хўжалиги юритиш учун фуқорога ер участкаси бериш тўгисида қарор қабул қилинди.

Туман хокими қарори қабул қилингандан сўнг ўн кун муддат ичида хокимятнинг ер тузиш ва ердан фойдаланиш хизмати билан фермер хўжалиги бршлиги ўртасида ер ижараси шартномаси тайёрланиб, имзоланиши лозим.

Шартнома имзолангандан сўнг ўн кин мкддатда туман бош ер тузувчиси, ширкат хўжалии вакли фермер учун ажратилган ерни кўрсатади ва уч нусхадаги далолатнома билан тасдиқлайди. Фермер хўжалиги туман хокимлигида давлат рўхатидан ўтадилар.

Ўзбекистон республикасининг Президенти ва ҳукумати фермерликга оид бўлган жаҳон тажрибаси, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда

республикада фермерликни босқичма-босқич ривожлантириш жараёнини амалга оширмоқда.

Даставвал, Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий, меъёрий хужжатлари яратилди. Жумладан, - 1998 йилда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги ПФ – 3342 – сонли фармони;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октярдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги “2004-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарори шулар жумласидандир.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги 3342-сонли "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида фермер хўжаликларини ривожлантириш хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида эътироф этилиб, ширкат хўжаликлари ўрнида босқичма-босқич фермер хўжаликлари ташкил этилди. Юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатлар асосида асосан пахта ва ғаллачилик йўналишидаги ширкат хўжаликлари қайта ташкил этилган бўлиб, мева-сабзавотчилик ва қоракўлчилик соҳалари кейинги босқичларда ислоҳ қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан барча мустақил ва мустақил бўлмаган деҳқон хўжаликлари аттестациядан ўтказилиб, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун талабларига мос ҳолда қайта рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни 1-бандида: “Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқориши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъектидир», - деб таъриф берилган.

Фермер хўжалиги уни тузаётган аъзолар ҳоҳишига кўра ихтиёрий ташкил этилиб, ўз ишлаб чиқаришини белгиланган қонунчилик доирасида юқори фойда олишни кўзлаб ташкил этади ва ишлаб чиқаришнинг қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай тури билан шуғилланишга ҳақлидир.

Фермер хўжалигининг иқтисодий негизини ишлаб чиқариш воситаларига (ер бундан мустасно) ва ўз меҳнати натижаларига мулкий эгалик ташкил этади ва у тадбиркорлик эркинлиги, оила хамда шахснинг ўз моддий фаровонлиги йўлида меҳнат қилишига таянади. Мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида у мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги хўжаликлар билан тенг ҳуқуқларга эга ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг жамоа, ширкат ёки ҳиссадорлик каби йирик хўжаликлардан асосий фарқи ва устунлик томони эса фермернинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита бирикувида, яъни мулк ва меҳнат натижаларини тасарруф этиш бўйича масалаларни мустақил ҳал этишидадир.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжа-лигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаган-да Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғонэ ва Хоразм вилоятларидаги

суғориладиган ерларда ка-мида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва қорақалпоғи-стон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаш-тирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учуи камида 1 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш маж-буриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда давлатимиз томонидан ҳар бир фермер учун етарли шароитлар ва имтиёзлар яратиб берилган. Улардан фақатгина сидқидилдан меҳнат қилиб, амалдаги қонунчиликка риоя этиш талаб қилинади холос. Зеро, бундай талаб фақатгина уларнинг манфаатлари учунди

## 1.3. Балиқчи тумани иқтисодиёти ва унда фермер хўжаликларини ўрни.

Ўзбекистон Республикасининг Андижон вилояти Балиқчи тумани 1926 йилнини 29 сентябрида ташки топган. Худуди 338,9 кв.км. Туманда 174 минг киши ёки вилоят аҳолисининг 6,3 фоизи истиқомат қилади. Аҳолининг 35,9 фоизи ёки 62645 нафари шаҳарларда, 64,1 фоизи ёки 112060 нафари қишлоқларда яшайдилар.

2013 йилнинг 1 январ ҳолатига туманда 103,3 минг нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли бўлиб, ҳисоб – китобларга кўра уларнинг 75 минг нафари иқтисодиётнинг турли тармоқларида бандлар.

-жадвал

Балиқчи туманида хўжалик юритувчи субъектлар

| № | Кўрсаткичлар | Рўйҳатга олингани | Фаолият кўрсатаётгани | Фаолият кўрсатмаётгани |
|---|---|---|---|---|
| | Жами корхоналари | 3183 | 3139 | 44 |
| | Жумладан | | | |
| 1. | Кичик корхоналар | 993 | 992 | 1 |
| 2. | Микрофирмалар | 2190 | 2147 | 43 |

Қишлоқ хўжалиги туман иқтисодиётини салмоқли қисмини ташки этади. Туманда жами 33,9 минг гектар ер майдони бўлиб, шундан, фойдаланиладиган ерлар 19,4 минг гектарни ташки этади. Янги ерларни ўзлаштириш имконияти чекланган.

Туманда 2012 йилда ишлаб чиқарилган ялпи қишоқ хўжалиги маҳсулоти хажми 183 млрд 300 млн. сўмга тенг бўлиб, ўсиш суърати ўтган йилга нисбатан 106,6 фоизни ташки этди. Туманда 476 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сонли «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан, 2012 йил 28 ноябрдаги туман фермерлар конференциясида Андижон вилояти Балиқчи тумани фермерлар Кенгаши ташкил этилди.

Кенгашга Ғалаба массивидаги "Набижон ота" фермер хўжалиги рахбари Набижонов Фарходжон «Балиқчи тумани фермерлар Кенгаши» раиси этиб сайланди хамда 11 нафар Кенгаш аъзолари ва 3 нафар тафтиш комиссияси аъзолари ташкил этилди.

Фермерлар кенгаши котибиятларини ташкил қилиш бўйича кенгашга 4 нафар мутахасислар ишга олиниб, хозирда иш олиб боришмоқда. Балиқчи туманида 2013 йил 1

январ ҳолатига жами 476 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб ушбу фермер ҳўжаликларининг жами дебитор қарздорликлари 15 млрд 938 млн.сўмни ташкил қилади. Жумладан Пахта-ғаллачилик йўналиши бўйича жами 231 та фермер хўжаликлари бўлиб уларнинг жами дебитор қарздорликлари 15млрд 907 млн.сўмни, боғ-узумчилик йўналиши бўйича 48 фермер ҳўжалигининг 2 млн.сўм, чорвачилик йўналиши бўйича 44 та фермер ҳўжалигининг 20 млн.сўм ва бошқа йўналишлар бўйича 90 та фермер ҳўжалигининг 9 млн.сўм дебитор қарздорлиги мавжудлиги аниқланди шундан

-жадвал

**Баликчи туманида 2013 йил 1 январ холатига фаолият курсатаётган фермер хужаликларининг ихтисосликлари ва ер майдонлари**

| № | Массивлар фермер хужаликлари номи | Йуналиши | Умумий ер майдон | Шу жумладан | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | экин ери | | | | Куп йиллик дарахтлар | | | | | Буз ерлар | Пичанзорлар | Яйлов ерлар | Кишлок хужалик ер турлари жами |
| | | | | Жами | Шундан | | | Жами | Шу жумладан | | | | | | | |
| | | | | | Сувли | Холати ёмон ер | Иссикхоналар | | Богзоглар | Узумзорлар | Тутзорлар | Бошка куп йиллик дарахтлар | | | | |
| | Туман буйича жами | 476 | 22786 | 19087 | 19087 | | | 1194 | 522 | 30,5 | 641 | | | | | 20281 |
| | ш.ж Пахта-галлачилик | 263 | 20644 | 18170 | 18170 | | | 317 | 78 | | 239 | | | | | 18488 |
| | Сабзавот-полизчилик | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Галлачилик | 5 | 46 | 38 | 38 | | | | | | | | | | | 38 |
| | Чорвачилик | 39 | 930 | 750 | 750 | | | 23 | 15 | | 7 | | | | | 773 |
| | Бог ва узумчилик | 48 | 585 | 42 | 42 | | | 464 | 428 | 30,5 | 6 | | | | | 506 |
| | Узимчилик | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Сабзавотчилик | 14 | 89 | 73 | 73 | | | 1 | | | 1 | | | | | 74 |
| | Полизчилик | 1 | 4 | 3 | 3 | | | | | | | | | | | 3 |
| | тутчилик жами | 100 | 477 | 9 | 9 | | | 389 | | | 389 | | | | | 397 |
| | Паррандачилик | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Асаларичилик | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Баликчилик | 1 | 4 | 2 | 2 | | | | | | | | | | | 2 |
| | Бошкалар (терак.фх ва ис.) | 5 | 8 | | | | | | | | | | | | | |

Манба: Жадвал талаба томонидан тайёрланган.

Бундан ташқари ушбу фермер ҳўжаликларининг 2012 йил 1 октябр ҳолатига жами 27 млрд 809 млн.сўм кредитор қарздорликлари мавжуд бўлиб. Жумладан Пахта-ғаллачилик йўналиши бўйича жами 27 млрд 115 млн.сўмни, сабзавот полизчилик йўналиши бўйича 71 млн.сўм, боғ-узумчилик йўналиши бўйича 123 млн.сўм, чорвачилик йўналиши бўйича 262 млн.сўм ва бошқа йўналишлар бўйича 238 млн.сўм дебитор қарздорлиги мавжудлиги аниқланди, шундан;

Олиб борилган ишлар натижасида асосий хизмат кўрсатувчилардаги қарздорлик 2018 млн.сўм камайишига эришилди. Жумладан "Қишлоқхўжалликкимё" АЖ дан 741 мллн.сўм (59.6%) белгиланган режа асосида қарздорлик камайтирилди.

-жадвал

| Ташкилотлар номи | 2012 йилнинг 1 октябрь ҳолатига аниқланган кредиторлик қарздорлик | Жорий йил якунигача қопланиши кутилётган кредитор қарздорлик | 2012 йил 20 ноябр кунига кредиторлик қарзларнинг қопланган микдори | Фоиз |
|---|---|---|---|---|
| Қишлоқхўжаликкимё" | 2404 | 1242 | 741 | 59,6 |
| Нефт унитар корхоналари | 603 | 375 | 833 | 222,1 |
| "МТПлар бирлашмаси" | 132 | 32 | 7 | 21,8 |
| "Агротехсервис-МТП" | 373 | 301 | 355 | 117,9 |
| "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" | 359 | 269 | 80 | 29,7 |
| Электр корхоналари | 31 | 29 | 2 | 6,8 |
| Туман бўйича жами | 3902 | 2248 | 2018 | 89.7 |

Шунга асосан 2013 йил ғалла хосили учун жами 7208 гектар майдонга 100% бошоқли дон экинлари экилди. Шундан очиқ майдонга 283 гектар, ғўза қатор орасига 6925 гектар экилди.

Навлар буйича;

Краснодар-99 нави 1787 гектар;

Таня нави 1810 гектар;

Чиллаки нави 1000 гектар;

Нота нави 153 гектар;

Бобур нави 1848 гектар;

Гром 400 гектар,

Россиядан келтириладиган навлар 110 гектар

Янги навлар 100 гектар

Жами: 7208 гектар

2013 йил хосили учун 7208 га майдондан эртапишар навлар 3308 га (46 %), ўртапишар навлар 3348 га (46 %) ўрта кечпишар навлар 552 га (8%) ташкил этади.

Экилган 7208 гектар майдонни 1-суғориш ишлари тўлиқ якунланиб, хозирда 2-суғориш ишлари бир кунда 16 гектар, мавсумда 2320 гектар ёки 32,2 фоиз майдон сувдан чиқарилди.

Шарбат ўра ковлаш ишлари режада 1442 дона бўлиб, бир кунда 21 донадан жами 1173 дона шарбат ўра ковланиб, режа 81,3 % га бажарилди.

Ғалла майдонларни четан билан ўраш ишлари режада 24 км бўлиб, бир кунда 211 метрдан жами 19,5 км четан ўрнатилиб, режа 81 % га бажарилди.

Хозирги кунда мавжуд 20 дона юқори унумли хайдов тракторларининг 1 донаси носоз ва 19 донаси соз холатда. Мавжуд 31 дона оддий хайдов тракторларининг барчаси соз холатда. Носоз хайдов тракторларини таъмирлаш учун 122 млн сўм маблағ талаб этилиши аниқланиб, таъмирлаш ишларига эхтиёт қисмлар олиб келиниб, носоз хайдов тракторларини таъмирлаш ишлари МТП ва ММТП ларда амалга оширилмоқда. Балиқчи Агротехсервис МТП МЧЖ томонидан 88 млн. сўмлик, Чинобод Агротехсервис МТП МЧЖ томонидан 38 млн.сўмлик эҳтиёт қисмлар таъминот корхонадан олинди.

Туманда мавжуд 51 дона хайдов тракторларининг 20 донаси юқори унумли, 31 донаси оддий техникалардан иборат.

2012 йил режалаштирилган 10700 гектар майдонда 20 ноябр холатига жами 57 дона техника билан бир кунда 371 гектар (шундан юқори унумли 25 дона бир кунда 274 гектар, 32 дона оддий техникалар ёрдамида 97 гектар) мавсум бошидан 9157 га ёки 85,5 фоиз майдон шудгорланди.

2013 йил мавсуми учун қишлоқ хўжалик техникаларини марказлашган ҳолда йиғиш ва таъмирлаш топшириғини ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги мавжуд қишлоқ хўжалик техникаларини (культиваторлар, сеелькалар, барана, пушта олгич, чизель)

-жадвал

| Т/р | Техникалар номи | Мавжуд техникалар сони | Таъмирга тортилди | Тортилиш фоизи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Дон ўриш комбайнлари | 28 | 28 | 100 |
| 2 | Чопиқ тракторлари | 202 | 185 | 92 |
| | Жами сеялкалар: | 93 | 84 | 90 |
| 3 | 90х15- схемадаги сеялкалар | 52 | 45 | 87 |
2013 йилда тумандаги фермер хўжаликлари томонидан 9 турдаги 21 дона янги техникалар сотиб олиш бўйича буюртмалар олиниб, мазкур техникаларни сотиб олиш учун шартномалар тузилган жумладан: 2 дона АРИОН русумли хайдов тракторлари, 3 дона чопиқ тракторлари, 2 дона транспорт тракторлари, 2 дона культиваторлар, 2 дона пуркагичлар, 1 дона омоч, 3 дона трактор тиркамалари ва 2 дона минерал ўғит сепкичлар олишга шартномалар тузилган.

Баликчи туманда **273 та** фермер хужаликлари булиб **2013 йил** ғалла хосили учун **7208 гектар** майдон режалаштирилган, хозирги кунда **7208 гектар** майдонга фосфорли ўғит солиб **100 %** экилди.

«Қишлокхўжаликкимё» ХОАЖ булимида фермер хужаликларига хизмат курсатиш учун **7 та** минерал угит таркатиш шахобчаси хизмат курсатади.

Туманда **7208** гектар майдонга ғалла экиш буйича талаб этиладиган фосфорли угитлар микдори

1. Аммафос **1** гектарига **80 кг** дан **576640 кг**
2. Супрефос **1** гектарига **160 кг** дан **1153280 кг**
3. Суферфосфат **1** гектарига **280 кг** дан **2018240 кг**

Хозирги кунда захирада

1. Аммафос **41250 кг**
2. Супрефос **55920 кг**
3. Суферфосфат **124420 кг** фосфорли минерал угитлар мавжуд

Булим томонидан **60 та** фермер хужалигининг **1 911 498** минг сум карздорлтги буйича **163.963.0** минг сум пеня хисобланиб **2 075 457** минг сум карздорлигини ундириш максадида вилоят хужалик судига даъво аризалари киритилди

Бундан **25** та фермер хужалигининг **800.384.0** минг сум карздорлигига **14.415.0** минг сўм пеня ундириш хужалик судининг Хал кулув карорлари чикди

| | | |
|---|---|---|
| 1 ноябр холатига | Дебитор | **2 419 316** минг сум |
| | Кредитор | **116 663** минг сум |
| 22 ноябр холатига | Дебитор | **2 221 449** минг сум |
| | Кредитор | **206 663** минг сумм |

Ой бошига нисбатан дебитор **197 867** минг сумга камайган.

-жадвал

Баликчи туманида 2013 йилда янги сотиб олинадиган қишлоқ хўжалиги техникаларига тузилган ШАРТНОМАЛАР

| № | Техникалар номи | Жами шартнома сони | | Шу жумладан | | | | | | Етказиб берувчи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Банк кредити ҳисобидан | | Лизинг ҳисобидан | | Ўз маблағи ҳисобидан | | |
| | | сони, дона | қиймати, млн. сўм | сони, дона | қиймати, млн. сўм | сони, дона | қиймати, млн. сўм | сони, дона | қиймати, млн. сўм | |
| 1 | Занжирли ҳайдов тракторлари | | | | | | | | | |
| 2 | Ғилдиракли ҳайдов тракторлари: | 2 | 326,4 | | | 2 | 326,4 | | | |
| | ARION-155 | 2 | 326,4 | | | 2 | 326,4 | | | |
| 3 | Юқори унумли Магнум, МХ-255 | | | | | | | | | |
| 4 | Чопиқ тракторлари | 3 | 135,0 | | | 3 | 135,0 | | | |
| 5 | Транспорт тракторлари | 2 | 86,0 | | | 2 | 86,0 | | | |
| 6 | Культиватор КХУ-4 | 2 | 19,6 | | | 2 | 19,6 | | | |
| 9 | Пуркагичлар ОВХ-600 | 2 | 15,8 | | | 2 | 15,8 | | | |
| 12 | Омочлар | 1 | 10,0 | | | 1 | 10,0 | | | |
| 13 | Трактор тиркамаси 2ПТС-4-793 | 3 | 33,3 | | | 3 | 33,3 | | | |
| 14 | Минерал ўғит сепгич НРУ-0,5 | 2 | 5,8 | | | 2 | 5,8 | | | |
| 20 | Кул аппарат ОРПД, АИДА | 4 | 4,0 | | | 4 | 4,0 | | | |
| ЖАМИ | | 21 | 636 | | | 21 | 636 | | | |

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида шартнома ишлари даражасини ошириш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши лозим:

- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва тараққиётнинг интенсив омилларини кучайтириш асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги ва корхонанинг Бизнес-режа, ўрта ва узоқ йиллик режаларида маҳсулот етиштириш ва тарқатиш ҳажмиларини мавжуд бўлган моддий-техника ҳамда молиявий ресурслар билан, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва капитал маблағларнинг ҳажмлари билан баланслаштиришни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги ва корхона фаолиятини барқарор, мутаносиб ва баланслаштирилган тарзда ривожлантириш учун зарур заҳираларни вужудга келтириш;
- қишлоқ хўжалигига давлат режали раҳбарликни корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини янада ривожлантириш билан қўшиб олиб боришни таъминлаш, хўжаликларнинг майда-чуйда ишларига аралашишга йўл қўймаслик ва уларнинг ташаббусини кучайтириш, раҳбар ва мутахассисларни, дехқон, фермерлар, жамоа хўжаликлари аъзолари, ишчиларнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш учун жавобгарлигини ҳамда меҳнатнинг пировард натижаларидан манфаатдорлигини таъминлаш кераклигига диққат-эътибор қаратиш;
- маркетинг хизматини кенгайтириш, талаб ва таклифни ўрганиш, ишлаб чиқариш таркибини қайта қуриш ишларини амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муқобил йўналишларини ўрганиш, тармоқларни ташкил этиш билан боғлиқ турли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни ташкилий-иқтисодий жиҳатдан асослаш.

Бир-бири билан боғланган, бир-бирини тўлдирувчи ички хўжалик режалаштириш тизимини ташкил этади.

Мақсадли дастурлаш усулидан кенг фойдаланилган ҳолда тузилган дастурларга кадрлар таёрлаш миллий дастури, соғлом авлод дастури, қишлоқ инфратизимини яратиш дастури киради. Бу усул узоқ муддатли истиқбол режаларни ишлаб чиқишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Иқтисодий-математик усулдн режанинг энг мақсадга мувофиқ (оптимал) вариантларини аниқлашда, иқтисодий, ташкилий ҳамда техник жараёнларни оптималлаштиришда кенг фойдаланилади. Бу усул, масалан, экин майдонлари, машина-трактор парки, пода таркибини ҳамда механизация ишларини трактор маркалари ўртасида тақсимлашнинг оптимал йўлларини аниқлашда жуда қўл келади.

Ҳар бир корхона бозор иқтисодиёти шароитида ўз мақсад ва вазифаларини аниқламасдан, яъни ўз фаолиятини режалаштирмасдан юқори натижага эриша олмайди. Корхона фаолиятини режалаштиришда маълум тамойилларга риоя этиш керак. Ҳар бир корхона ўз фаолиятини тўғри ташкил этиш учун жорий режалар билан бир қаторда истиқболга мўлжалланган (5,10,15 йиллик) режалар ҳамда у ёки бу масалани ҳал қилиш учун дастурлар ишлаб чиқади.

Корхона ички хўжалик режалаштириш тизимида Бизнес-режаларнинг ўрни жуда катта. Бизнес-режани тузишда корхонанинг ҳамма мутахассислари, инвесторлар ва манфаатдор шахс ва субъектлар қатнашиши керак.

Бизнес-режа маркетинг тадқиқотларига, ишлаб чиқариш имкониятларига, шартномаларга асосан тузилади ва қонунда белгиланган тартибда қабул қилинади.

## 3.2.Фермер хўжаликларини ғалл-пахта, боғдорчилик маҳсулотларини сотиш бўйича шартномавий муносабатларини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги (1998 й 29 август) қонунида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш,ўзгартириш ва

бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносаботларни тартибга солиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини,шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларини белгилаб қўйилган.

Хўжлик шартномаларини тузиш,бажариш,ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Хўжлик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

-хўжалик шартномаларни тузишнинг эркинлиги;

-тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;

-шартномавий интизомга риоя қилиш;

-тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги.

Ўзбекистон Республикасининг "Хўжлик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги қонунинг 6- моддасида хўжалик шартномаси тузишда тарафларнинг ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган. Улар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- хўжалик шартномаларини тузиш,бажариш,ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

- хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш,ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш,мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

- давлат органлари ва бошқа органларга,мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

- бошқа тарафларнинг иқтисодий аҳволи,нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

-жадвал

Андижон вилояти Балиқчи туманида фермер хўжаликлари билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида контрактация шартномалари ҳамда моддий-техника ресурслари етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш тадбирларида туманлар фермерлар Кенгашларининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича мутахассисининг иштироки

| № | Туманлар номи | Пахта хом ашёси етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар сони | | Пилла хом ашёси етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар сони | | Минерал ўғитлар етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар сони | | Ёнилғи мойлаш материаллари етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар сони | | Механизация хизматлари кўрсатиш юзасидан тузилган шартномалар сони | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами тузилган шартномалар | шундан Кенгаш мутахассиси иштирокида | жами тузилган шартномалар | шундан Кенгаш мутахассиси иштирокида | жами тузилган шартномалар | шундан Кенгаш мутахассиси иштирокида | жами тузилган шартномалар | шундан Кенгаш мутахассиси иштирокида | жами тузилган шартномалар | шундан Кенгаш мутахассиси иштирокида |
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* | *9* | *10* | *11* | *12* |
| 1 | Балиқчи | 274 | | 476 | | 274 | | 274 | | 273 | |

- хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш.

Хўжалик шартномаларининг тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин. Шунингдек,бу қонуннинг 7-моддасида хўжалик шартномаси тарафларининг мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Булар қуйидагилар:

-хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун хужжатлариниг талабларига риоя этишлари;

-қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномалариниг ўз вақтида тузилишини таъминлашлари;

-тузилган хўжлик шартномалари бўйича зиммаларига олагн мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Баъзи ҳолларда шартнома келишувлари асосида уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Ҳар бир фермер билан,албатта, 2 нусхада шартнома тузилади.Унга ҳар икки тарафдан имзо қўйилиб,муҳр босилади.Шундан сўнг у юридик кучга эга бўлади. Шартномада иккила тарафнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари келишиб олиниши керак, бундан ташқари ҳосили топшириш тартиби,баҳсли муаммоларни ҳал қилиш масаласи ва бошқа махсус шартлар ҳам киритилиши шарт. Шартномада шунингдек,томонларнинг юридик вакиллари (манзиллари) ва банк реквизитлари кўрсатилиши шарт.Имзоланган пайтдан бошлаб шартнома тузилган ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари билан минерал ўғитлар етказиб бериш тўғрисида “Ўзқишлоқхўжаликкимё” шартнома тузади. Шартнома тузилаётганда баҳсларни ҳал қилиш тартиби келишиб олинади. Одатда,иккинчи тарафга даъво қўзғатиш асосида музокара юритиш йўли билан ҳал қилинади.Агар бу чоралар баҳсни тинч йўл билан ҳал қилишга олиб келмаса,фермер вилоят хўжалик судига ёзма равишда мурожаат қилиб,даъвосини маъмум қилиб уларни зарур ҳужжатлар асосида исботлаши керак.Суд даъволарни кўриб чиқиб ,қарор қабул қилади.

Шартнома фермер ва “Ўзқишлоқхўжаликкимё” ўртасида тузилади.

“Ўзқишлоқхўжаликкимё” фермерларга керакли миқдорда ва белгиланган муддатга минерла ўғитлар етказиб бериш мажбуриятини олади. Ўғитлар ўз муддатида етказиб берилиши шарт.Минерал ўғитлар экинларнинг ўсиш технологик жараёнини ҳисобга олагн ҳолда ерга сочиши керак.Ўғитни вақтида берилмаса бўлажак ҳосилга салбий таъсир кўрсатади.Фермерлар ўғит етказиб бериш муддатида бажарилишини талаб қилиб “Ўзқишлоқхўжаликкимё”га мурожаат қилиши керак.Агар ўғитлар ўз вақтида етказиб берилмаса, хосилдорлик кам бўлишига олиб келади.Бундай ҳолатда фермер вилоят хўжалик судига мурожаат қилиши керак.

Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган,унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175,176$^1$,176$^2$,212 ва 214-моддаларигамувофиқ маъмурий жавобгарликка,шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175,181,186,205,207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хослиги шартнома предмети бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни,биринчи навбатда,табиий иқлим шароитлари,экинларнинг касалланиши ва ҳ.к га боғлиқлиги бу соҳада тузилган шартномаларнинг муҳим хусусиятларидан биридир.Шариноманинг бажарилиши,энг авволо,ана шу табиий иқлим шароитларига боғлиқ бўлади.Жумладан қишлоқ хўжалик

маҳсулотларига контрактация шартномаларининг бажарилиши бевосита об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлиб,табиатнинг ҳар қандай инжиқлиги шартноманинг бажарилишини хавф остига қўяди.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномани лозим даражада бажаришга бўлган ҳар қандай интилиши табиий ноқулайликларни олдида кутилган натижани бермайди.

Кейинги йилларда айниқса, сувсизлик ва қурғоқчилик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ шартномаларнинг бажарилмай қолишига сабаб бўлмоқда. Аммо,шартнома муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликда бундай холатларга”форс мажор”вазиятлар сифатида етарлича эътибор берилмаган. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга оид шарномаларда”форс мажор”холатлар шартноманинг муҳим шарти сифатида кўзда тутилиши лозим. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалик корхоналарининг шартнома муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликда табиий иқлим шароитлари билан боғлиқ “форс мажор” ҳолатлар кенгроқ ёритилиши лозим.

-жадвал

Балиқчи туманида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ДАСТУРГА асосан
сервис хизмати кўрсатиш бўйича лойихаларни бажарилиши

| № | Фермер хўжаликлар номи | Ишга тушиш муддати | Лойихалар сони | | | Жами талаб этиладиган маблағ, млн сўм | | | Банк кредити ҳисобидан млн, сўм | | | Ўз маблағи ҳисобидан млн сўм | | | Яратилган янги иш ўринлари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | режа | амалда | фоиз, (%) | режа | амалда | фоиз , (%) | режа | амалда | фоиз, (%) | режа | амалда | фоиз, (%) | режа | амалда | фоиз, (%) |
| 1 | Қорадарё | 2-чорак | 1 | | 0 | 30 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 30 | 0 | 0 | 3 | 0 | 0 |
| 2 | Бурхон | 3-чорак | 1 | | 0 | 35 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 35 | 0 | 0 | 3 | 0 | 0 |
| 3 | Балиқчи тараккиёти | 2-чорак | 1 | | 0 | 20 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 20 | 0 | 0 | 2 | 0 | 0 |
| 4 | Садаф нихоли | 1-чорак | 1 | 1 | 100 | 30 | 30 | 100 | 0 | 0 | 0 | 30 | 30 | 100 | 2 | 2 | 100 |
| 5 | Набижон ота | 1-чорак | 1 | 1 | 100 | 10 | 10 | 100 | 0 | 0 | 0 | 10 | 10 | 100 | 3 | 3 | 100 |
| 6 | Юлдошев Ойбек ери | 2-чорак | 1 | | 0 | 10 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 10 | 0 | 0 | 3 | 0 | 0 |
| 7 | Холмирза Ота | 2-чорак | 1 | | 0 | 40 | 0 | 0 | 20 | 0 | 0 | 20 | 0 | 0 | 8 | 0 | 0 |
| 8 | Қозоқбой хожи | 3-чорак | 1 | | 0 | 20 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 20 | 0 | 0 | 4 | 0 | 0 |
| 9 | Турғунов Ахмаджон | 3-чорак | 2 | | 0 | 60 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 60 | 0 | 0 | 2 | 0 | 0 |
| 10 | Коинот | 3-чорак | 1 | | 0 | 25 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 25 | 0 | 0 | 6 | 0 | 0 |
| | туман жами | | 11 | 2 | 18 | 280 | 40 | 14,3 | 0 | 0 | 0 | 260 | 40 | 15,4 | 36 | 5 | 13,9 |

## 3.3.Фермер хўжаликлари маркетинг фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари.

Биз бозор муҳитини янгидан ва қисқа фурсатда шакллантиришимиз лозимки, бунинг учун бозор муносабатларига мос бўлган барча воситалардан, энг янги тажрибалардан ғоят самарали фойдаланишимиз керак. Ҳаётнинг ўзи-бозор илмини, қонунлари ва тартибларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда мулкчиликни турли шаклларини вужудга келиши ва унда хусусий соҳа асосий ўринни эгаллаши, иқтисодиётни бошқаришни демократик тамойилларини қўлланиши марказлашган режалаштириш ва таъминот тизимини барбод бўлиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очиб берилиши, инновация жараёнлари товарлар, хизматлар-сервис ва ахборотлар бозорларини жахондаги илғор тажрибалар ва стандарт (меъёр)лар асосида ташкил этилиши, ўз навбатида тадбиркор, бизнесмен ва менеджерлар тўла эркинлик асосида фаолият юритишларига замин тайёрлади. Аммо бозор иқтисодиёти ўз-ўзини «талаб ва таклиф» қонуни асосида бошқара оладиган тизим бўлганлиги сабабли, бу жараёнда самарали фаолият юритишнинг бош мезони (йўли) маркетинг (бозоршунослик) методологияси ва воситаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Чунки эркин фаолият жараёнида бозор субъектларининг ўзаро муносабатлари, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи (сотувчи ва харидор) орасида доимий, самарали ва ишончли ҳамкорлик ўрнатилгандагина истеъмолчи ҳуқуқи ва обрўси (имиджи)ни ҳимоя қилиш узлуксиз равишда олиб борилсагина тадбиркорлик ўз мақсадига эришади. Истеъмолчи ҳатти-ҳаракатини фирма ишлаб чиқаришни бошлашдан анчагина олдин ўрганиб, у билан мулоқотга киришиш ва муносабат ўрнатиш лозим.

Демак, юқоридаги мулоҳазалар, корхона (фирма) жорий ва стратегик фаолиятини истеъмолчилар эҳтиёжи ва талабини қондиришга, кўзланган фойдани олишга йўналтирилган узлуксиз ташкилий, режалаштириш ва бошқариш жараёнини - маркетинг фаолияти деб қарашни тақозо этмоқда.[6]

Мамлакатимиз тажрибаси кўрсатишича маркетинг хизматларини ташкил этиш турли хил тартибда амалга оширилиши мумкин. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бундай хизмат, қоидага кўра, босқичма-босқич корхонанинг турли хил бўлинмаларига тарқатиб юборилган маркетингнинг барча асосий вазифалари бирлаштириб шакллантирилади. Шунинг билан бир вақтда фермер хўжалиги маркетинг хизмати бирга эмас, балки бир неча бўлинмалар билан кўрсатилиши мумкин.

Бундай ҳолатда барча маркетинг вазифаларини аниқ мувофиқлаштириш керак. Фермер хўжаликлари маркетингини ташкил этишнинг хозирги замон концепцияси қўйидагича бўлишиши лозим:

-бозорни комплекс ўрганиш;

-товар навларини режалаштириш;

-талабани шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш ;

-савдо-сотиқ фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилиш.

Маркетингнинг асосий вазифалари бўлинмаларининг хизмат вазифаларини таққослаш йўли билан аниқланиши керак. Бир томондан маҳсулотлар кўпгина турларининг кескин етишмаслиги, бошқа томондан ишлаб чиқаришда сотувда бўлмаган товарлар мавжуд бўлган вазиятда истеъмолчилар талаблари ва ишлаб чиқариш дастурлари ўртасида эпчилроқ ва тезкорроқ ўзаро алоқаларни таъминлаш учун маркетингдан фойдаланиш муҳим вазифа бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида маркетинг хизматини яратишда босқичма-босқич ёндошиш мақсадга мувофиқ. Бундай тузилма бозор тузилмаларига эпчиллик билан жавоб бериши ва янги товарларни тадбиқ этишга кўмаклашади, шунинг муносабати билан

---

6

А.Солиев. Маркетинг. Дарслик. Тошкент 2010.

маркетингнинг кўпгина вазифаларини бажариш битта бўлинмага жойланади, у бошқа хизматлар ҳаракатини мувофиқлаштиради ва корхонада маркетинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш учун боғловчи сегмент ҳисобланади.

Фермер хўжалигида маркетингни ривожланиши қабул қилинаётган қарорлар бирлигини таъминловчи услубий хужжатларни ишлаб чиқиш, маркетинг вазифаларини бажариш бўйича бўлинмалар фаолиятнинг ўзаро алоқалари ва мувофиқлашувини талаб қилади. Бу ўз навбатида комплекс мақсадли гуруҳларни матрицали ташкил қилиш ва яратиш ёрдамида маркетинг тизимини тадбиқ этишнинг кейинги босқичига ўтишга имкон беради.

Шунинг билан бирга, таъкидлаш керакки, корхонада маркетингни тадбиқ этиш хаммадан аввал маълумотларни йиғиш, ишлаб чиқиш ва жамлаш тизимини, яъни маркетинг ахборот тизими (МАТ)ни ташкил қилишини талаб қилади.

Маркетингнинг мураккаб масалаларидан бири назорат-маркетинг соҳасида ҳолатлар ва жараёнларни доимий, мунтазам, узлуксиз текшириш ва баҳолашдир. Ўз моҳиятига кўра назорат меъёрларни ва хақиқий ҳолатни таққослашни билдиради. Муҳит шароитларининг тез ўзгариши, бозор вазиятларига тез эътибор бериш зарурлиги маркетинг назоратини муҳим аҳамият касб этишига олиб келди.

Демак, маркетинг назоратининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

-мақсадларга эришиш даражасини белгилаш;

-яхшиланиш имкониятини аниқлаш;

-корхона мослашувчанлигини талаб қилинган атроф-мухит ўзгаришларига қанчалик мос келишини аниқлаш.

Мамлакатимиз корхоналари, ассоциацияларида маркетинг хизматларини ташкил қилиш маркетингга таянган бошқарув тизимини яратишга имкон беради.

Маркетинг фаолиятининг назорати маҳсулотларни сотиш устидан назорат қилиш, сотиш имкониятларини таҳлил қилиш, тадбиркорлик фаолиятининг фойдалилигини назорат қилиш, маркетинг харажатларини таҳлил қилиш, техник ва стратегик назорат ва маркетинг тафтишини назарда тутади.

Маркетингнинг назорати ва тафтишининг асосий вазифаси корхоналар, ассоциацияларнинг ишлаб чиқариш-сотиш ва илмий-техник фаолияти самарадорлигининг оширишдан иборатдир.

Қоидага кўра, маркетинг фаолиятининг назорати ўз ичига қўйидагиларни олиши мақсадга мувофиқ:

-сотишни амалга ошириш ва уни имкониятлари устидан назорат;

-фойдалиликнинг назорати ва маркетинг харажатлари таҳлили;

-стратегик назорат ва маркетингни тафтиш.

Сотиш фаолиятини назорат қилиш хақиқий сотиш ва улар тенденцияларини режалаштирилган кўрсаткичлари билан таққослашда ҳисобга олиш йўли билан амалга оширилади.

Фойдаликни назорат қилиш ва маркетинг харажатларини таҳлил қилиш алоҳида товарлар, уларнинг ассортимент гуруҳлари, бозор сегментлари, худудлари, савдо каналлари, реклама воситалари, савдо ходимлари ва бошқалар бўйича амалга оширилади.

Маркетингнинг стратегик назорати ва таҳлили корхона ишлаб чиқариш-сотиш ва илмий-техник фаолияти ривожланишининг асосий қийинчиликлари ва истиқболини аниқлаш мақсадида асосий вазифалар, стратегиялар, маркетинг тезкор тадбирлари ва маркетинг ташкилотлари баҳоларини белгилайди.

Маркетингнинг тафтиши, қоидага кўра, ўз ичига маркетингнинг макро ва микро муҳити маркетинг хазматларини фаолият юритиши самарадорлигининг таҳлилини, ҳамда маркетинг сиёсати: товар, нарх, реклама, ходимларни ўз ичига олади.

Назоратни ташкил қилиш корхонанинг катталиги, ходимларнинг малакаси, назорат вазифаларининг мураккаблигига боғлиқ бўлади.




-расм. Қишлоқ хўжалик корхонасида ички хўжалик режалаштириш тизими.

Корхонада маркетингнинг ташкил қилиниши ўсиши билан унинг ихтисослашувига ва маркетинг назоратининг алоҳида бирлигини яратишга эҳтиёж ортиб боради.

Маркетингни ташкил этишда икки жихат мухим: мақсадлар ва маркетинг хизмати мақоми эътиборга олиниши керак.

Мақсадни танлаш. Кўпгина раҳбарлар хозирги пайтда ўз корхоналарининг асосий мақсади сифатида энг юқори фойда олишни кўрсатадилар. Лекин бу танлов унчалик

мақбул эмас. Айталик, агар корхона узоқ келажакни кўзлаб иш юритаётган бўлса (маркетинг фаолияти айнан маблағни НИОКРга, асосий сармояга, ишлаб чиқариш тайёрлигига ва кадрлар малакасини оширишга сарфлаши керак. Бу тадбирларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтиради ва фойданинг камайишига олиб келади. Япониядаги машхур “Мацусита Денки” фирмасининг асосчиси Коносуке Мацуситанинг фикрича, фақат унчалик юқори эмас, унчалик кам ҳам эмас, балки окилона миқдорда фойда олгандагина корхона ўз фаолиятини кенгайтириши мумкин.

Маркетинг ташкил этишга киришган корхонанинг мақсадлари қандай бўлиши керак? Маркетингнинг тан олинган пешқадамлари бўлмиш японлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, асосий мақсадлар (афзаллиги тартибига караб) қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

-сотиш хажми

-ўсиш суръатлари (сотув ёки фойда хажми);

-бозордаги хиссаси;

-режаланган фойда, бу фойданинг хажми, фойданинг сотув хажмига нисбати, барча сармояга фойда меъёри, фойданинг ҳиссадорлик сармоясига нисбати ва бошқаларда акс этиши мумкин;

-сармоянинг таркиби, яъни фаолларнинг умумий суммасига ёрдам шаклидаги сармоянинг нисбати (бу Японияда тахминан 20% га тенг).

Бу рўйхатни бошқа турлича мақсадлар билан ҳам тқлдириш мумкин. Масалан, маҳсулот сифатини ошириш, харажатларни камайтириш ва шу кабилар.

Мақсадларни ишлаб чиқишда улар корхона ходимларининг ниятларини акс эттириши зарурлигига алоҳида эътибор бериш керак. Акс ҳолда ишловчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнидан “ички узилиш” рўй беради. Ҳар бир япон ишчиси ўзи ишлаётган фирманинг вазифаларини осонгина айтиб бера олади, чунки бу вазифаларнинг бажарилишидан у ниҳоятда манфаатдор.

Шуни англаш мумкинки, фермер хўжалигида маркетингни чинакамига жорий қилиниши учун унда тегишли хизматни тузишнинг ўзи етарли эмас.

Маркетинг бўлими диққат марказига маҳсулотнинг пировард истеъмолчилари билан боғлиқ барча муаммолар тушади. Бу пайтда бошқа бўлинмалар ўз эътиборини турли жузъий вазифаларга қаратган бўлади. Шунинг учун хам маркетинг бўлими бутун фаолиятни мувофиқлаштириб туришини тан олиш мутлақо табиийдир. У ишлаб чиқариш жараёнида етакчи бўлиши учун унинг мақомини бошқа бўлинмалар ичида энг юқори қилиб белгилаш лозим.

Корхона (фирма, бирлашма ва хоказолар) бозорда ўз ўрнини эгаллаб, уни мустаҳкамлашга, маҳсулотнинг рақобатбардош ва харидоргир бўлишини ҳамда олаётган даромадининг хажми ошишини мақсад қилиб қўйган бўлса, маркетинг фаолияти доим тўғри ва сифатли олиб борилиши лозим.

Корхоналарда маркетинг ишини бир текис, бир меъёрда борадиган хили уюштиришни ташкил қилишда унинг кўрсаткичлари катта аҳамиятга эга. Унинг бир меъёрда ишлашни билдирадиган кўрсаткич сифатида ҳар ўн кунликда ойлик режага нисбатан сотиладиган товарнинг салмоғи олиниши керак. Корхонада ҳар ўн кунда, ойлик товарлар сотиш топшириқларининг учдан бир қисми бажарилса, бундай корхонада ойнинг охирида ҳайбаракаллачилик бўлмайди. У нормал ишлайди ва бундай вақтда корхонани маркетинг бўлимининг бир меъёрида ишлашини аниқлашда ҳар ўн кунда иш кунининг миқдорини ҳисобга олиш зарур. Ҳар ўн кунда ёки ойда сотилган товарнинг миқдори белгиланилади. Сўнгра бу кўрсаткич ҳар ўн кун ёки ой ичида сотилган товар билан таққосланади. Корхонанинг маркетинг бўлимини бир текисда, бир меъёрда ишлашини аниқлашда қуйидаги коэффициент аниқроқ хулоса беради.

$$K_б = \frac{I - \sum A}{П}$$

бу ерда, $K_б$ - бир текис, бир меъёрда ишглаш коэффициенти; $A$ - маълум даврда (кун, соат) режадагидан кам миқдорда сотилган товарлар ҳажми; $П$ - таҳлил даврида режа даражасида сотилган товарлар-нинг абсолют миқдори.

Корхона маркетинг бўлими бир текис, бир меъёрда ишлаши, ишлаб чиқаришни ўстириш ва барча техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашнинг муҳим омилларидан биридир. Корхоналардаги барча звеноларнинг тартибли ишлаши билангина маркетинг бўлимининг бир меъёрда ишлашига эришиш мумкин. Бу нарса оммавий, узлуксиз, поток усулида ишлайдиган корхоналарда, айниқса катта аҳамиятга эгадир, чунки бундай корхоналарнинг барча ишлаб чиқариш участкалари бир вақтда бир хилдаги меҳнат қуроли билан ишлайди. Айрим корхоналарда маркетинг бўлимларининг бир текис, бир меъёрда ишлаши асосан корхонанинг ёрдамчи хўжалигида (тайёрлов ва транспорт бўлимида, ремонт-механика устахонаси ва бошқаларда) ишни тўғри уюштиришга боғлиқ. Маркетинг фаолиятини яхши режалаштириш, оператив режаларни ўз вақтида цех, участка ва бўлим раҳбарларига етказиш, режанинг бажарилиши устидан кундалик назорат ўрнатиш - маркетинг бўлимининг бир меъёрда ишлашини таъминлайдиган шарт-шароитлардан ҳисобланади. Маркетинг бўлимининг ойлик оператив режаси, амалда товарларни сотиш бўйича барча звеноларнинг дастурини бажариш ва ошириб бажаришни таъминлайдиган иш графигини бир-бири билан боғлайдиган "маҳсулот сотиш график режаси" бўлиб хизмат қилиши лозим. Маркетинг ҳар бир участкасида график-режани бажарилиши устидан кундалик назорат ўрнатиш ва интизомга қатъий риоя қилиш, товарларни график асосида бир текисда сотилишини таъминлайдиган тадбирлардан биридир. Илғор корхоналарнинг маркетинг бўлимларини иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, товарларни бир меъёрда сотишни таъминлашга кўп жиҳатдан маркетингни фаолиятини яхши ташкил этиш ва бошқариш савиясини ошириш туфайлигина эришиш мумкин.

Маркетинг фаолиятини оператив режалаштиришдан бирор натижага эришиш учун топшириқ кўрсаткичларининг ишлаб чиқилган системасига шу топшириқлар бўйича асосланган режадаги нормативларга эга бўлиш ва уларни календарь режаларни ижро қилувчиларга муддатидан олдинроқ маълум қилиш лозим.

Маркетинг фаолиятини аниқ оператив режалаштириш корхона ишига кундалик раҳбарлик қилиш, топшириқларга риоя қилинаётган-қилинмаётганлиги назорат қилиб туриш ва маркетинг бизнес-режасини бажариб туриш давомида рўй берадиган камчиликларни бартараф қилиш учун тезлик билан чоралар кўришга имкон беради. Маркетингни оператив равишда режалаштириш системаси корхона олдига қўйилган вазифаларни бажаришни ўз устига (кафолат бериш учун) олиши учун аниқ талабларга (мезонларга) жавоб бериши лозим бўлади. Юқорида келтирилган талабларнинг асосийлари қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- маркетинг фаолияти узлуксиз бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг узлуксиз бўлишини таъминлаши керак;
- маркетинг фаолиятини оператив равишда режалаштириш ва бошқариш учун маълум даражада керак бўлган маълумотларни олиб туришга шароит яратиш лозим;
- ишчиларни корхонада маркетинг фаолиятини бевосита бошқаришга жалб этишга катта шарт-шароит яратиш шарт.

Маркетинг фаолиятини оператив режалаштириш диспетчерлик хизматини ташкил қилишни талаб этади. Бу хизмат шундан иборатки, махсус ходим (диспетчер) корхонадаги маркетинг фаолиятини узлуксиз оператив ва марказлаштирилган тартибда бошқариб ва тартибга солиб туради. Диспетчерлик бошқармасидан телефон алоқасидан, радио, телемеханик қурилмалар, товуш ва ёруғлик сигналларидан фойдаланиш мумкин. Диспетчер ана шундай техник воситалар ёрдамида маркетингнинг айрим участкаларнинг ишини кузатиб туради ёки керакли маълумотларни олади, ишлаб чиқаришга ва ёрдамчи участкаларга оператив топшириқлар беради. Диспетчерлик хизмати ёрдамида маркетинг фаолияти назорат қилиб борилади - техника ҳозирлиги, хом-ашё билан бирга, кадрлар билан таъминланиши, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш графигининг бажарилиш,

транспортнинг ўз вақтида берилиб турилиши товарни харидорларга етказиш каби фаолиятидаги бошқа омиллар текширилиб турилади.

Миллий иқтисодиёт айрим тармоқларининг ривожланиш тенденцияларини, уларнинг техник ва технологик ривожланиш даражаси ташқи фирмалар, давлат ва тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган инвестицияларини ҳам, шунингдек эътиборга олиш керак. Муаммони нисбатан кенг, ҳар томонлама ва комплекс ўрганиш керак.

Фирма ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз товарларининг бозордаги улушини ортишига ҳаракат қилиши керак, бу нарса шу бозордаги етакчиликка эришишнинг асосий омилидир. Лекин бунда бозордаги улушнинг ортиши билан корхоналар оладиган фойда ўртасида узвий алоқадорлик қонунияти мавжуд. Бу масалани амалга ошириш учун баҳонинг пасайиши, товар сифатининг ортиши, янги товарларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, рекламани кенгайтириш ва умуман фирма "имиджи"ни оширишга йўналтирилган маркетинг фаолиятини кўчайтириш керак.

Алоҳида товарлар бўйича бозор улушини қуйидаги формуласини таклиф этамиз:

$$q_a = 1 : \left( \frac{\sum b_i}{b_a} + 1 \right) \cdot \frac{m}{K_a}$$

бу ерда: $q_a$ - товар улуши;

$K_a$ - товарнинг рақобатга лаёқати;

$m$ - талаб ва таклиф орасидаги нисбат кўрсаткич;

$b_i$ - товар етказиб берувчининг обрўси кўрсаткичи;

$b_a$ - рақобатчи фирма обрўси кўрсаткичи.

Маркетинг фаолиятининг муҳим вазифаси фирма имкониятларини бозордаги улушининг аста-секин ортишига йўналтириш ва тадбирлар ишлаб чиқишдир. Бу нарса чуқур илмий изланишлар ўтказишни, бозор "нишаси"ни аниқлашни талаб қилади. Бозор "нишаси" бозорнинг шундай сегментики, бу ерда товар реализацияси учун энг яхши шароитлар ва шу фирма иши учун қулайликлар мавжуд бўлади. Бу ишни амалга оширишда бозорни сегментлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Маркетингни ташкил килиш - корхонада бир неча йуналишда амалга оширирилиши мумкин:

1. Функционал - бунда жавобгарлик таксимот, сотиш, таъминот ва товар харакатини ташкил килиш доираларига тушади.

2. Товарлар тамойили буйича ташкил этиш. Унда функционал тамойилларга, яна бир товар маркаси учун бошқарувчилар кушилади.

3. Бозор тамойили буйича ташкил этиш. Унда функционал тамойилларига, яна бир худуд бозорлари ва истеъмолчилар тури буйича бошқарувчилар кушилади.

Маркетинг тамойиллари маркетинг асосини ва унинг моҳиятини очиб берувчи ҳолат, талабдир. Маркетингни моҳияти – товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш албатта истеъмолчига, талаб ишлаб чиқариш имкониятларини доимо бозор талабига мўлжаллашдан иборат. Фермер хўжалигида маркетинг моҳиятидан қуйидаги асосий тамойиллар келиб чиқиши лозим:

- истеъмолчиларга нима керак бўлса шу нарсани ишлаб чиқариш керак;
- бозорга товарлар ва хизматлар таклифи билан эмас, балки истеъмолчиларн муаммоларини ечиш воситалари билан ишлаш;
- товар ишлаб чиқаришни эхтиёж ва талабни тадқиқ қилгандан сўнг ташкил этиш керак;
- фирмани ишлаб чиқариш-экспорт фаолиятининг охирги натижаларига концентрлашганини кучайтириш;

- маркетинг концепцияси воситаларини қўллаш асосида маркетинг дастурини шакллантиришга олиб келувчи қўйилган максадларга эришиш учун комплекс ёндошиш ва мақсадли дастур услубини ишлатиш;
- товарни истеъмолчига силжитишни барча бўғинларини маркетинг билан қамраб олиш мақсадида бир вақтни ўзида мақсадли йўналтирилган таъсир асосида бозор талабига мос келувчи товар ишлаб чиқариш стратегия ва тактикасини қўллаш;
- корхона фаолиятини ва маркетинг хизматини бозорда товар хулк-атворини башорат қилиши ва стратегик режалаштиришни амалга ошириш асосида самарали коммуникацияни узок муддатли истиқболига мўлжал олиш;
- товарни яшаш даврини барча босқичларини ишлаб чиқариш ва товар тақсимлашни ижтимоий ва иқтисодий омилларини ҳисобга олиш;
- ташкилот ва тармоқлар режасига нисбатан бозорни бирламчи эканлигини эслаш;
- талаб ва таклифни баланслаштириш мақсадида режаларни тармоқлараро кооррдинациялаш ва ўзаро таъсирини ушлаб туриш;
- товар бозори ёки фирма имиджи (обруйи) ва рақобатли афзалликни қидириш ва шакллантириш жараёнида аниқ ҳолатда агрессивликка, хужумкорликка, фаолликка интилиш, умумий ҳолда маркетингнинг асосий тамойиллари – бу бозорни билиш, унга мослашиш ва бозорга таъсир утказишдан иборат.

Фермер хўжаликларида маркетинг тамойили асосида ишлаш тажрибаси шуни кўрсатадики, тадқиқот ишларининг самарадорлиги қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилганда ошади:

- бозор сиғимини аниқлаш, бозор "овқати" (озиғи) ни топиш;
- ҳаридорлар амалиётини, мотивларини, уларнинг ҳулқ-атворларини тақлил қилиш;
- сотишнинг умумий шартларини таҳлил қилиш ва уни прогнозлаш;
- рақобатчиларни, улар стратегияси ва тактикасини ўрганиш;
- бозордаги рақобатнинг ўзини таҳлил қилиш.

Бозор ўлчамларини аниқлаш, фирма ўзининг ҳар бир товари учун бозорнинг айнан қайси қисмини эгаллаганлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу товар ассортименти ва сотиш дастурини режалаштиришда қўл келади. Амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, алоҳида товарлар бозори кучсиз рақобатнинг мавжудлиги билан фарқланиши мумкин. Лекин бу нарса фирма рақобатчилари фаолиятини ўрганиш керак эмас дегани эмасдир.

Фермер хўжаликлари маркетингнинг асосий принциплари ишлаб чиқариш якунларини истеъмолчиларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари ва ҳоҳишларига боғлиқ бўлиб, бундан қуйидаги бир қатор принциплар келиб чиқиши лозим:

- Бозорни билиш керак, мазкур товар (хизмат)га истеъмолчи талабини ҳар томонлама ўрганиш, олинган ахборотни ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш қарорларини қабул қилиш жараёнларидан фойдаланиш.

- Ишлаб чиқаришни бозор талабларига иложи борича мослаштириш ва бу орқали корхонанинг самарали фаолият юритишини ошириш. Истеъмолчи кутаётган товарни ишлаб чиқариш, яъни сотиладиган маҳсулот чиқариш.

- Корхона учун зарур бўлган йўналишларини шакллантириш мақсадида барча воситалар ёрдамида бозорга ва истеъллол талабига таъсир кўрсатиш.

-Маркетинг изланиши натижасида юзага келган масалаларни ҳал этилишига ижодкорлик билан ёндошишни ривожлантириш ва рағбатлантириш.

- Истеъмолчини тўла қондирадиган миқдорда товарни, зарур вақтда, зарур жойга етказиб бериш.

-Илмий изланиш - ишлаб чиқариш - сотиш - сервис жараёнини мақсадли бошқарилишини таъминлаш.

- Янги, айниқса юқори сифатли маҳсулотни бозорга чиқарили-шида кеч қолмаслик.

-Бозорни нисбатан бир жинсли истеъмолчилар бўйича гуруҳларга ажратиш (бозорни сигментлаштириш) ва корхонанинг имкониятига мос келувчи бозор сигментини мўлжаллаб иш юритиш.

- Энг ишончли ва юқори сифатли товарлар билан бозорни эгаллаш.

- Техник даражани ва маҳсулот сифатини ошириш йўли билан рақобатчилардан устун келиш.

## Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб эътиборимиз марказида бўлиб келаётган устувор масала ҳисобланади.

Фермер хужаликлари маркетинг фаолиятини назарий асосларини урганиш натижасида куйидаги хулосаларга еришдик:

Фермер хўжаликлари маркетингнинг асосий принциплари ишлаб чиқариш якунларини истеъмолчиларнинг ҳақиқий эктиёжлари ва ҳоҳишларига боғлиқ бўлиб, бундан қуйидаги бир қатор принциплар келиб чиқиши лозим:

-Бозорни билиш керак, мазкур товар (хизмат)га истеъмолчи талабини ҳар томонлама ўрганиш, олинган ахборотни ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш қарорларини қабул қилиш жараёнларидан фойдаланиш.

- Ишлаб чиқаришни бозор талабларига иложи борича мослаштириш ва бу орқали корхонанинг самарали фаолият юритишини ошириш. Истеъмолчи кутаётган товарни ишлаб чиқариш, яъни сотиладиган маҳсулот чиқариш.

- Корхона учун зарур бўлган йўналишларини шакллантириш мақсадида барча воситалар ёрдамида бозорга ва истеъллол талабига таъсир кўрсатиш.

-Маркетинг изланиши натижасида юзага келган масалаларни ҳал этилишига ижодкорлик билан ёндошишни ривожлантириш ва рағбатлантириш.

- Истеъмолчини тўла қондирадиган миқдорда товарни, зарур вақтда, зарур жойга етказиб бериш.

-Илмий изланиш - ишлаб чиқариш - сотиш - сервис жараёнини мақсадли бошҳарилишини таъминлаш.

- Янги, айниқса юқори сифатли маҳсулотни бозорга чиқарили-шида кеч қолмаслик.

-Бозорни нисбатан бир жинсли истеъмолчилар бўйича гуруҳларга ажратиш (бозорни сигментлаштириш) ва корхонанинг имкониятига мос келувчи бозор сигментини мўлжаллаб иш юритиш.

- Энг ишончли ва юқори сифатли товарлар билан бозорни эгаллаш.

– Техник даражани ва маҳсулот сифатини ошириш йўли билан рақобатчилардан устун келиш.

Бизнинг тадкикот жараёнида аникланган камчиликларни бартараф этиш ва фермер хужаликлари маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш максадида куйидаги тавсияларни бераман:

–

**1.** Баликчи тумани фермер хужаликлари маркетинг фаолиятини самарадорлигини янада ошириш максадида бизнинг фикримизча Аввало Президентимиз И.А.Каримовнинг 2012-йил 22-октябрдаги «Узбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил килишни янада такомиллаштириш ва уни

ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида» ги ПФ-4478-сон фармони буйича Баликчи туманида Фермерлар Кенгаши ташкил этилган булиб,унинг фаолиятини юкори савияда ташкил этиш зарур.

**2.** Кенгаш кошида фермер хужаликларига хизмат курсатувчи махсус Маркетинг булимини ташкил этиш зарур. Булимга малакали Маркетологларни ишга кабул килиш ва туманда етиштирилаётган кишлок хужалиги махсулотларига махаллий ва чет эл бозорларидаги талабни урганиш,тахлил килиш лозим.

**3.** Фермер хўжалиги шартнома муносабатлари режа ишлари даражасини ошириш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши лозим:

- қишлоқ хўжалигига давлат режали раҳбарликни корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини янада ривожлантириш билан қўшиб олиб боришни таъминлаш, хўжаликларнинг майда-чуйда ишларига аралашишга йўл қўймаслик ва уларнинг ташаббусини кучайтириш, раҳбар ва мутахассисларни, дехқон, фермерлар, жамоа хўжаликлари аъзолари, ишчиларнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш учун жавобгарлигини ҳамда меҳнатнинг пировард натижаларидан манфаатдорлигини таъминлаш кераклигига диққат-эътибор қаратиш;
- маркетинг хизматини кенгайтириш, талаб ва таклифни ўрганиш, ишлаб чиқариш таркибини қайта қуриш ишларини амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муқобил йўналишларини ўрганиш, тармоқларни ташкил этиш билан боғлиқ турли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни ташкилий-иқтисодий жиҳатдан асослаш.

**4.** Фермер хўжалигини техникавий таъминлаш ва бу жараёнда молиявий лизингдан кенгроқ фойдаланиш тавсия этилади. Бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чикарувчиларининг ижобий натижаларга эришишларидан ташқари қишлоқ хўжалик машинасозлигини иқтисоднинг бошқа тармоқлари билан тенг ривожланишини таъминлайди. Бу эса лизинг фондини кўпайтириш орқали амалга оширилади.

**5.** Бозор тадкикотлари асосида чорвачилик,богдорчилик ва бошка махсулотларни етиштиришни камида 10 йиллик истикболли бизнес режалар ишлаб чикаришни ташкил етиш.

**6.** Фермер хужаликларини давлат ва хужалик бошкаруви органлари,тайёрлов,таьминот ва хизмат курсатиш ташкилотлари билан узаро муносабатларини такомиллаштириш.

**7.** Куп тармокли фермер хужаликларини ривожлантиришда сувни тежайдиган самарали технологияларни,1-навбатда томчилатиб

сугоришни,замонавий ахборот-коммуникация технологияларини уларни фаолиятига тадбик этиш.

**8.** Кишлокда хукукий,иктисодий-молиявий,агротехник хамда бошка масалалар буйича консалтинг марказлари тармогини ташкил этиш.

**9.** Туман Фермерлар Кенгаши уз аьзоларига кредит олиш узлаштиришда консултатив ва методик ёрдам бериш.

**10.** Фермер галла ёки пахта етиштириш билан чекланиб колмасдан,узи етиштирган махсулотни узи кайта ишлашни йулга куйиши, шу оркали кишлокка саноатни олиб кириши ва пировардида ахоли фаровонлигини оширишга хизмат килиши лозим.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


## 1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –46 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида»ги Қонуни. –Т.: 1993.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни. 30.04.1998й. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. –Т.: -Адолат, 1999. -77-97 б.

1.4.Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. –Т.: Адолат, -1999. -98-115 б.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. –Т.: Адолат, 1999. -98-115 б.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. –Т.: Адолат, -1999. -117 б.

**1.7.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 июль, 363-сон «Республика мева-сабзавот хўжалигида монополиядан чиқариш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори. –Т.: 1997.

## 1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1997 йил, март.

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, ҳусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 21январдаги ПФ-745- сонли фармони ва унга иловалар. –Т.: Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари 8-19 б.

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-3342 сонли Фармони., Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами. –Т.: 2003. -№ 20.

1.2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3709-сон Фармони. Халқ сўси газетаси 10 январ 2006 й.

1.2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-255-сонли Қарори. Халқ сўси газетаси 12 январ 2006 й.

**1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. –Тошкент: 2003.

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. –Тошкент: 2004.

1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги –Тошкент: 1994 йил 23 феврал. «Халқ сўзи» газетаси 1994 йил 24 феврал.

1.3.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралар тўғрисида»ги 24-сонли қарори. Халк сўзи. 13 январ 1997 й.

1.3.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 438-сонли қарори. 1994 йил 28 август.

1.3.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 мартдаги «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисидаги 300-сонли қарори. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами. 1-қисм. Т.: «Шарқ», . –Т.: 1998, 377-382 б.

1.3.7. Ўзбектстон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи. "Боғ ва узумзорлардан мақсадсиз фойдаланилган ҳолатларда ер ижара шартномасини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида". Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007. № 11(251). -43 б.

**1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1.4.1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -158 б.

1.4.2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. 9-том. Т.: Ўзбекистон, -2001. -432 б.

1.4.3. Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти-фаровонлик манбаи. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -61 б.

1.4.4. Каримов И.А. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т,: Ўзбекистон, 1995. -269 б.

1.4.5. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимизга ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том. -Т.: Ўзбекистон, -2004. -400 б.

1.4.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. -Т.: Ўзбекистон, -2002. -432 б.

1.4.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, -1997. -336 б.

1.4.8. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, -1998. -686 б.

1.4.9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т: Ўзбекистон. -2009. -35 б.

## 2. **Китоб ва туркум нашрлари**

2.1.1. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. –Т.: Меҳнат, 1997. -297 б.

2.1.2. Абдуллаев О. Наманган вилояти. – Наманган.: Ибрат, 1995. -43 б.

2.1.3. Абдуллаев О. Жумҳуриятлараро агросаноатни ташкил этиш. -Тошкент: 1991. -23 б.

2.1.4. Абдуллаев О. Фарғона водийси. – Наманган.: Ибрат, 2004. -31 б.

2.1.5. Возрождение сельскохозяйственной кооперации в современной России (вопросў теории, законодательства, практики): Сборник. -Саратов, 1997. -32 б.

2.1.6. Ҳусанов Р.Х. Деҳқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари.-Т.: Чўлпон. 2000. -103 б.;

2.1.7. Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблема. -Т.: Узбекистан, 1994 -72 б.

2.1.8. Собиров.М. Томорқа боғдорчилиги. -Т.: Меҳнат. 1991. 7-9 б.

2.1.9. Коволенько Н.Я. Экономика сельского хозяйства. –Москва: 1998. -11 с.

2.1.10. Махамадиева У.М. Деҳқон-фермер хўжалигининг иқтисоди ва уни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: 1998. -52 б.

2.1.11. Раушер А. Частная собственность в интересах человека труда. Москва: Дело, 1994. -22 с.

2.1.12. Хромов Ю.С. Ферма и агробизнес. –Москва: Агропромиздат, 1992. – 33 с.

2.1.13. Қодиров А.М. Маркетинг. Т.: 2003. 145 с.

2.1.14. Анимица Е.Г., Ротнер Н.М. Всемирное хозяйство: закономерности формирования и развития: курс лекций. – Екатеринбург: 1994. -153 с.

2.1.15. Усмонов С.Н., Дадобоев Ю.Т. Дехканское (фермерское) хозяйство. УзНИИ рўночнўх реформ. -Т.: 1997. -42 б.

2.1.16. Отобоев.М., Эшонқулов.А. Ўзбекистоннинг мева-сабзавот комплекси. Муаммо, тажриба ва ечимлар. -Т.: Меҳнат. 1991. –14-15б.

2.1.17. Раҳмонқулов Х.Р., Усмонов М.Б., Рўзиназаров Ш.Н., Холмўминов Ж.Т. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ. 2000. -48 б.

2.1.18. Олимжонов О., Фармонов Т., Сирожиддинов С., Қосимов., Рафиков И. Фермерлик фаолиятини ҳуқуқий ва молиявий асослари. -Т.: Университет. 2005. -33 б.